

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ
САМАРКАНДСКОГО СОГДА 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрат о'g'li*
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR 20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ46-51
- Матажонов Раҳимжон Акратович*
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF
UZBEKISTAN 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH
USULLARI VA AFZALLIKLARI 92-97

<i>Саатмуротов Шохрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHLILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМҶИНАТЛИККА ДОИР Г'ОЯЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDI O'RGANISH USULLARI	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIJ TA'MINOTI	316-322

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Саатмуротов Шоҳрух

Термиз давлат университети мустақил тадқиқотчиси

МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада минтақада саноат ишлаб чиқаришни мазмуни, уни баҳолаш имкониятлари ва йўналишлари, ҳамда уни ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш омилларининг ижобий таъсири ва моҳияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Минтақа, саноат, саноат тармоқлари, саноат ишлаб чиқариш, баҳолаш, самарадорлик, омил.

Saatmurotov Shokhrukh

Termiz state independent researcher of the university

ASSESSMENT FACTORS OF INDUSTRIAL PRODUCTION IN THE REGION

Abstract. This article describes the content of industrial production in the region, the possibilities and directions of its evaluation, as well as its specific characteristics and the positive impact and essence of evaluation factors.

Key words. Region, industry, industry sectors, industrial production, evaluation, efficiency, factor.

Саатмуротов Шоҳрух

Термез государственной независимый
научный сотрудник университета

ФАКТОРЫ ОЦЕНКИ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА РЕГИОНА

Аннотация. В данной статье освещены содержание промышленного производства в регионе, возможности и направления его оценки, а также его специфические характеристики и положительное влияние и сущность факторов оценки.

Ключевые слова. Регион, промышленность, отрасли промышленности, промышленное производство, оценка, эффективность, фактор.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N14>

Кириш. Сўнгги йилларда мамлакатимиз саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва вилоятларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобига аҳолини иш билан банд қилишни кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва амалга оширилди. Шунинг учун ҳам, бугунги кунга келиб, мамлакатимиз минтақаларида иқтисодиёт тармоқларини,

хусусан, саноат тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада, саноат корхоналари сони кўпайиб, соҳада иқтисодий ислохотлар чуқурлашди. Саноат тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг амалга оширилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамланиши, республика саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига замин яратди. Сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 минггага кўпайди [1]. Ушбу рақамларга асосан, саноат соҳасининг аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Чунки, саноат соҳасининг асосини саноат ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади. Бу борада мамлакатимиз минтақаларида саноат ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш учун уни фаолиятини баҳолаш муҳим масала сифатида баҳолаш омилларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Саноат ишлаб чиқаришни баҳолаш омилларидан самарали фойдаланиш соҳанинг тараққиётини таъминлаш, янги саноат корхоналарини ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш ва саноат ишлаб чиқаришнинг мутаносиблигини таъминлашда мавжуд имкониятлардан фойдаланишни тақозо қилади.

Адабиётлар таҳлили. Маълумки, саноат ишлаб чиқариш жараёни учта асосий элементнинг ўзаро таъсирига асосланади: асосий воситалар, айланма маблағлар ва ишчи кучи. Моддий соҳа ходимлари томонидан ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таъминланади. Саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлиги саноат корхонасининг иқтисодий фаолиятининг якуний таъсирини унга эришиш учун тирик ва моддий меҳнат харажатлари билан таққослаш орқали аниқланади [8]. Саноат соҳасини тадқиқ қилиш ўз навбатида саноат ишлаб чиқариш жараёнини баҳолашни талаб қилади.

Жаҳон мамлакатлари ва мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ва уни баҳолаш масалалари юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, О.В.Баканач ва К.В.Гаусслар саноат салоҳиятини саноат корхоналарининг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва яратишга бўлган ялпи қобилиятлари, деб таъкидлаганлар [2].

Т.А.Жданова, Н.М.Ждановалар фикрича, саноат, жумладан, тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати, вилоят иқтисодиётининг зарур самарадорлигини, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг ўсишини таъминлайди [4].

Саноат ривожланишининг қонуниятларини билишга таянмасдан, саноат сиёсати ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш бўйича давлатнинг барча ҳаракатлари, агар тўлиқ муваффақиятсизликка учрамаса-да, уни секин такомиллаштириш талаб қилинади. Бу борада А.В.Быстров, А.Р.Есина, В.Д.Свирчевскийлар саноат динамикасидаги носозликлар экзоген омиллар таъсири ва тасодифий носозликлар билан эмас, балки мамлакат саноат ривожланишини бошқариш тизимидаги муаммо билан боғлиқ, деб қарайдилар [3].

Мамлакатимизда саноат соҳасининг ривожланиши бевосита саноат корхоналари фаолияти ва ушбу соҳа салоҳиятини ошириш имкониятлари билан боғлиқ бўлади. Жумладан, М.Ш.Аҳмедова саноат корхонаси сифатида саноат маҳсулотини унинг фойдали ва фаолиятининг натижаси сифатида талқин қилади [5].

Ш.Н.Назаров мамлакатимизда саноат салоҳиятини ошириш омиллари қаторига саноат салоҳияти ҳамда мажмуасининг қиёсий устунлигини аниқлаш ва ишлаб чиқариш

қувватларининг технологик даражасини баҳолаш, саноат ишлаб чиқаришининг диверсификациялашганлик даражаси, тармоқнинг улуши ва қайта ишловчи саноат ишлаб чиқаришнинг улуши ҳамда ишлаб чиқаришнинг инновацион-инвестицион қобилиятини баҳолаш, хом-ашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси, юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик ҳамда маркетинг ҳолати кабиларни киради [6].

А.Ортиқов саноатнинг тармоқ тузилмасига унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқликни киритади [7]. Унга кўра, тармоқ тузилмаси саноат тараққиёт даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Мазкур ғоя, назарий қараш ва концепцияларга асосланиб, мамлакатда саноат ишлаб чиқаришнинг баҳолаш омилларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда минтақада саноат ишлаб чиқаришнинг баҳолаш омилларини тадқиқ этиш юзасидан кузатиш, таҳлил, синтез, абстракция, қиёсий ва мантиқий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Саноат тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг ҳозирги ҳолати статистик материалларни ўрганиш, саноат тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришдаги салбий ҳодисаларни таҳлил қилиш, техник даража ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш асосида тавсифланади. Мамлакатимизда саноат тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, асосий кўрсаткичлари таркибида динамик ўзгаришлар содир бўлди. Яъни, мамлакат иқтисодий тармоқларида банд бўлганларнинг 9,4 фоизи саноатда, 26,9 фоизи эса қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатмоқда. Саноат соҳасида банд аҳолининг улуши пастлигича қолмоқда ва у камайиш тенденциясига эга. Бу эса келажакда иқтисодийнинг реал секторида, энг аввало, меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган енгил саноатда барқарор иш ўринларини яратиш муҳим вазифа эканлигини кўрсатади. Мазкур ҳолатни умумлаштириш асосида мамлакатимиз саноат соҳасидаги 2010-2022 йилларда амалга оширилган ислохотлар мисолида кузатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2010-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатнинг асосий кўрсаткичлари ҳақида маълумот [9]

Кўрсаткичлар	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.	2022 й.
Саноат ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм	38119,0	57552,5	84011,6	111869,4	235340,7	368740,2	553265,0
Саноат ишлаб чиқаришни жисмоний ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан %	105,9	105,7	104,5	105,4	110,8	100,9	105,3

Ушбу жадвалга асосан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 38119,0 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2022 йилга келиб, 553265,0 млрд. сўмга тенг бўлган ёки 515146 млрд.сўмга ошган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқаришни жисмоний ҳажми индекси ўтган йилга нисбатан ҳисоблаганда 2010 йилда 105,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, 105,3 фоизга тенг бўлган ёки 0,6 фоизга камайган.

Бугунги кунда саноат соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим мавқени эгаллади ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда марказий ўринда туради. Мазкур тармоқ халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради, бу ўз навбатида, бозорнинг катта бир қисмининг тўйинишини таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур тармоқ мамлакат аҳолисининг катта қисмини иш ўринлари билан таъминлайди, жумладан, бу тармоқда асосан аёлларнинг банд бўлиши саноат ҳудудларида демографик балансни ушлаб туриш имкониятини беради.

Мамлакатимизда саноат мажмуасининг ривожланишининг асосий омиллари қаторига меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари ва табиий ресурслар киради. Шунингдек, мамлакатимиз минтақаларида саноатнинг ўсиши урбанизация жараёнининг сабабларидан бири, яъни аҳолининг қишлоқдан шаҳарларга ўтишидир. Бу бир қатор объектив иқтисодий сабабларга боғлиқ бўлиб, уларнинг энг муҳими иқтисодий объектларнинг ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга бўлган табиий истаги билан белгиланади. Мазкур жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда минтақавий саноат тармоқларининг мавжуд ташқи омилларига қуйидагилар киради:

- табиий-иқлим омиллари;
- сиёсий омиллар;
- ижтимоий омиллари;
- тартибга солиш омиллари;
- ресурс омиллари;
- бозор омиллари.

Ушбу саноат тармоқларининг ички омилларига эса қуйидаги омиллар киради:

- рақобатбардош омиллар;
- кооперация ёки ўзаро алоқалар омиллари.

Юқорида келтирилган ички ва ташқи омиллар саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлади.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ҳолатини ривожлантириш муҳим масала бўлиб, уни рағбатлантирувчи омиллар соҳани ривожлантиришга ижобий таъсир қилувчи механизм бўлиб ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш дастурларини амалга оширилиши, республика саноатининг ривожланишига имкониятлар яратди. Шунга кўра, саноатнинг янада барқарор ривожланиши учун қуйидаги омиллардан самарали фойдаланиш зарур:

- илғор маҳаллий технологияларни ишлаб чиқиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга оширишда маҳаллийлаштириш даражасини тўхтатиб турувчи камчиликларни бартараф этиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга тўсқинлик қилувчи зарур товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар импортини қисқартириш;

- кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизни фикримизча, саноатнинг ривожланишини таҳлил қилишда қуйидаги омил ва кўрсаткичларни кўриб чиқиш керак:

- харажатларни баҳолаш ва жисмоний кўринишда маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси;

- саноат корхоналарининг молиявий ҳолати;

- меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш;

- мавжуд корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш, уларни шакллантириш манбалари бўйича янги қурилиш харажатларини тақсимлаш билан капитал қўйилмалар;

- ишлаб чиқаришни моддий-хом ашё ресурслари билан таъминлаш;

- саноат ривожланишининг атроф-муҳитга таъсири ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;

- саноатнинг айрим тармоқларига хос бўлган бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Шунингдек, минтақада саноат соҳасига таъсир қилувчи омиллар таъсирини ривожлантириш учун қуйидаги устувор йўналишларни амалга ошириш лозим:

- саноат тармоқларига кенг инвестициялар оқимини таъминлаш;

- соҳада экспорт салоҳиятини ошириш учун субсидиялар ажратиш;

- минтақанинг инвестицион жозибadorлигини ошириш;

- кичик иқтисодий ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ихтисослашуви ва истиқболларини аниқлаш;

- саноат маҳсулотлари таркибида ресурсларнинг оптимал нисбатига эришиш;

- қайта ишлаш корхоналарини меҳнат ресурси юқори бўлган ҳудудларда ташкил этиш;

- минтақада энгил саноат тармоғи сифатида тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳаси бўйича сифатли кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш.

Хулоса ва таклифлар. Саноат мажмуаси минтақанинг ажралмас қисмидир. У инновацион ва инвестиция жараёнлари учун моддий асос яратади. Илмий-техник тараққиёт ва иқтисодий ўсиш суръати саноат комплексининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Замонавий минтақавий саноат мажмуалари кўп йиллик фазовий, технологик, иқтисодий ривожланиш, шунингдек, ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши натижасидир. Шунга кўра, саноат мажмуаси ички ва миллий маҳсулотнинг асосий улушини яратиш, саноатнинг, айниқса машинасозлик, кимё, мудофаа ва бошқа соҳаларнинг етакчи роли иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини техник қайта жиҳозлашда намоён бўлиши, уларсиз илмий-техник тараққиёт ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мумкин эмаслиги, саноат барча ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг илғор усулларини жорий этишда етакчи роль ўйнаши, саноат давлатнинг мудофаа қобилятини таъминлаши, ҳарбий-саноат мажмуасини ривожлантиришга имкон бериши ва шу билан миллий хавфсизликни таъминлаши, энгил ва озик-овқат саноатининг ривожланиши мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашга имкон бериши каби омиллар туфайли иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2023-yil uchun Murojaatnomasi. 2022-yil 22-dekabr. Manba: <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>
2. Баканач О.В. Типология регионов РФ по уровню развития промышленного потенциала. / О.В.Баканач, К.В.Гаусс // Проблемы совершенствования организации производства и управления промышленными предприятиями: межвузовский сборник научных трудов, 2012. - №1. - с.19.
3. Быстров А.В., Есина А.Р., Свирчевский В.Д. Факторы динамики промышленного производства. // Экономика. Вестник РЭУ им. Г.В.Плеханова, 2019, №4 (106). / DOI: <http://dx.doi.org/10.21686/2413-2829-2019-4-5-16>. - 13 с.
4. Жданова Т.А., Жданова Н.М. Факторы оценки уровня экономической безопасности промышленности в субъекте РФ. // ЦИТИСЭ №1 (31), 2022. ISSN 2409-7616. - 54 с.
5. Ahmedova M.Sh. Sanoat statistikasi. O'quv qo'llanma. - T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2021. - 7 b.
6. Назаров Ш.Х. *Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. Монография.* - T.: IFMR, 2014. - 184-201 с.
7. Ortiqov A. Sanoat iqtisodiyoti. Darslik. - T.: IQTISODIYOT, 2014. - 49 b.
8. <https://studfile.net/preview/9842076/page:11/>
9. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).